

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Конимех тумани Ирригация**

бўлими бошлиғи

Д.Ярашев.



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Конимех - 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: **Навоий вилояти Конимех туманидаги “Конимех туман Ирригация бўлимига қарашли ирригация тармоқларидаги гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш.**

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Конимех туман Ирригация бўлими** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Навоий вилояти Конимех туман Ажинияз кўчаси, 9 уй

Эл.адрес: konimex.tib@minwater.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Конимех туман Ирригация бўлими** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таъбуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталда жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда,

агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Конимех туман ирригация бўлими

бошлиғи

Д.Ярашев

Октябрь

2022 йил

ТЕХНИК ТОПШИРИК

Навоий вилояти Конимех тумани Конимех туман ирригация бўлимига қарашли ирригация тармоқларидаги гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш ишлари учун

ТАНЛОВНИНГ МАЪЛУМОТЛАР ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлов (конкурс) мавзуларига оид аниқ қоидаларга ва танлов хужжатларининг бошқа бўлимларида келтирилган маълумотларни ёки талабларни ўз ичига олади

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Бюртмачи	Конимех туман ирригация бўлими
2	Объект номи	Конимех туман ирригация бўлимига қарашли ирригация тармоқларидаги гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш
3	Объектни жойлашуви	Конимех тумани Шўркўл, Юксалиш ва Тўққизтепа МФЙ ларида жойлашган
4	Алоқа учун шахс	Умрзоқов Нодирбек Ирисбоевич
5	Лойихалаш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги “2022 йилда кутилаётган сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан ишончли таъминлашга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 243-сонли қарори
6	Буюртмачи	Конимех туман ирригация бўлими
7	Буюртмачи манзили	Навоий вилояти Конимех тумани Наврўз МФЙ Ажинияз кўчаси 9 уй
8	Буюртмачининг танлов бўйича таклиф қиладиган энг юқори нархи	105 218 687 сўм
9	Танловда таклифлар берилалиган тил	Ўзбек тили
10	Тўлов валютаси	Ўзбекистон Республикаси сўми
11	Мурожаат учун телефон	79-512-12-49; 79-512-12-49
12	Харид режа жадвали	2022 йил йиллик
13	Танлов утказиш оyi	Октябрь 2022 йил
14	Молиялаштириш манбаи	Бюджет хисобидан
15	Буюртмачи томонидан белгиланган ишларнинг бажариш муддати	30 иш кўни

16	Танлов ўтказиш шартлари	<p>1.а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш). б) танловда кўрсатилган шартларга мувофиқ танлов ҳужжатларини топшириш.</p> <p>2.Кўйидаги иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди;</p> <ul style="list-style-type: none"> -қайта ташкил қилиниш, тугалланиши ёки банкиротлик босқичини утказаётганлар -бошқа буюртмачилар билан судда ёки ҳакамлик судида иш жараёни кўрилаётганлар -инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилганлар -солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжудлар. <p>Буюртмачи кўйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш танловида иштирок этишдан четлаштиради;</p> <ul style="list-style-type: none"> -иштирокчи тўғридан-тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсга ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бир он бир ҳаракатна амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон бир танлов тамойилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шакилдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда иштирокчи адолатсиз усутунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган мафаатлар туқнашуви мавжуд бўлса.
17	Танлов таклифларини тақдим қилиш ва уни расмийлаштириш тартиби	<ul style="list-style-type: none"> -таклифларни тақдим қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунида кўрсатилган тартибга асосан тақдим қилинади -порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари ўз таклифларини эълонда белгиланган тартибда электрон тарзда танлов ўтказиши ҳақидаги эълонда қатнашади -танлов иштирокчиларига таклифларни электрон имзоси билан иштирокчи ваколатли шахси томонидан тақдим этиш тавсия қилинади -иштирокчининг танлов таклифи буюртмачининг танлов комиссияси томонидан шахсий электрон имзолари билан тасдиқланади -танлов иштирокчиси тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун маъсул ҳисобланади <p>Танлов таклифи танлов шартига мос бўлган ва кўйидаги маълумотларни қамраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади;</p> <ul style="list-style-type: none"> -хизматнинг номланиши, хизмат кўрсатиш қиймати, якуний сумма, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати ва ҳақозо

18	Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар	<p>-шартномани бажариш учун зарур техникавий-молиявий, моддий, кадирлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжуд шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга, (ишнинг, хизматнинг) муқобил вариантларига йўл қўйилса, лотни алмаштириш бўйича муқобил таклифларни баҳолаш тартибининг тавсифи техник топширик.</p> <p>-коҳонанинг бир йиллик касса айланмаси (касса обороти).</p> <p>-ишчилар сони, солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздолликнинг мавжуд эмаслиги</p> <p>-ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-тамойилларининг мавжуд эмаслиги ва инсофсиз ижрочиларнинг ягона рејстрида қайд этилмаганлиги</p> <p>-танловда танлов иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартиб асосида тақдим этилади, унда техникавий-молиявий, моддий, кадирлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлигига оид маълумотлар техник ва тижорат таклифлари билан бирга бўлиши керак, танловда иштирокчилар таклифларини тақдим этган ҳужжатларида иштирокчи корҳонанинг лицензияси ёки гувоҳномаси, раҳбар ФИШ кўрсатилиши шарт.</p>
19	Таклифларни тақдим қилиш муддати	5 иш кунидан кам бўлмаган муддатда